

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БУХОРОИ ШАРИФДА ШОДИЁНАЛАР



19 октябр куни кўхна Бухорои Шариф кўтлуг туй муносабати билан узгача шукуҳ, файзу тароват касб этди. Шаҳарнинг ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўчасидан байрам нафаси уфуриб турарди.

Айниқса, Пойи Калон майдони ранго-ранг чироқлар огушида янада нурафшон ва гузал куринишга эга бўлди. Вазирлик, илора ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипкорпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган байрам шодиенасида Президентимиз Ислоҳ Каримов табрик нутқи сузлади. Президентимизнинг «Бухоро улкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётга улкан ҳисса қўшиб келаятган, шарифлик номига сазовор булган муқаддас жойларидан биридир», деган сузлари ва «Замонлар утар, йиллар, асрлар утали. Ҳеч шубҳа йўқки, фаранглиримиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар», деб дугф этганлари узининг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган Бухоронинг мамлакатимизда ва жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрнига берилган юксак ва ҳаққоний баҳо бўлди.


ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лейн ҳам Бухоронинг илму маърифат осмонини ериттувчи машғулаҳлардан бири эканини уз табрик нутқида эътироф этди.

Театрлаштирилган томошалар байрамга, унинг иштирокчиларига янада хушнудлик, файз бағишлади.

БОЙ ТАРИХ ВА ЗАКОВАТ ДУРДОНАСИ



Хивани ҳеч иккиланмай қадимий маданият учоқларидан бири, бой тарихимиз ва аждодларимиз теган ақлу заковатининг такрорланмас дурдонаси дейиш мумкин. 2500 йиллик



юбилей муносабати билан шаҳарда катта ободончилик ишлари, мозийдан сузловчи тарихий обидаларни таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди.

20 октябр куни Арк майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум, тароватли, файзли бўлиб, байрамона тус олди. Вазирликлар, илора ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар жамоатчилиги, дипкорпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари байрам шодиеналарини ҳаяжон билан кузатдилар. Маросимда Президент Ислоҳ Каримов табрик нутқи сузлади. Жумладан, юртбошимизнинг «Хива — гузал дияримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг давомийлигини узидан мужассам этган бир мўъжизадир.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз утмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан да-

лолатдир.

Хивадаги мангуликка даҳлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва муътабар эканлигини дунёга қўз-қўз қилиб турибди. Биз бундан гурурланиш билан бир қаторда зиммамизда чуқур маънавий масъулият юкин ҳам ҳис этмоғимиз ларкор. Бу масъулият отамерос юртимизни жон-дилдан севиш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга янада гузал, янада обод қилсада етказиш бурчилдир», деган сузларида Хивага булган хурмат, эҳтиром уз аксини топган.

ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лейн йиғилганларни кўтлуг байрам билан муборақбод этди.

Театрлаштирилган томошалар, юксак бадий лавҳалар маросим қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар шоду хуррамлик билан ўтди.

ЎЗ ЎРНИ БОР

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлаб «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликда» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Россия, Миср, Германия каби элликдан ортиқ мамлакатлардан олимлар иштирок этишди. Симпозиум доирасида утказилган «Бухоро ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» ҳамда «Хива ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуларидаги халқаро конференцияларда бу икки шаҳарнинг тарихи, маданияти, уларнинг жаҳон цивилизацияси ва илмий тафаккурига таъсири ҳақида маърузалар ўқилди.

Халқаро анжуман якунида олимлар ва мутахассислар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари муҳбирларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

А.Тўраев олган суратлар



Узбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини, жамоатчилик фикрини урганиш иштини яхшилаш ҳақида»ги Фармонини ҳаётга тадбиқ этиш, ёшлар, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, республикамиз қонунларини тарғиб қилиш ва тушунтириш борасида жойларда хотин-қизлар кумиталари, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза

Ахборот

НАФАҚА ПУЛИ ОЛАРМИКАНМАН?

Мададталаб мактуб

Хурматли таҳририят ходимлари!

Мен ҳаётда куп кийналган инсонман. Ҳозирги аҳволим ҳам бундан мутасано эмас. Ёшлигимдан меҳнатда суягим қотди. Соғлиқ кутарса ишлаганга нима етсин? Қолаверса, пешона тер тукиб топилган нон ширин ва беиннат булади. Томоғингдан утиши ҳам, ҳазм булиши ҳам осон.

Дунёда бировнинг қулига қарағулик қилмасин, ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин экан. Бошимга тушган муси-

бат туфайли ҳаётнинг аччиқ бу ҳақиқатини англаб етдим. Соғлигим ёмонлашуви оқибатида меҳнатга лаёқатимни йўқотдим. Бундан-да даҳшатлиси, ногирон бўлиб қолдим. Шундан кейин моддий ёрдам сураб юқори идораларга хат ёздим. 1995 йилнинг июн ойида жунатган уша хатим

тегишли идорага етиб бормади, шекилли. Ҳали-ҳанузга ҳаёв келгани йўқ. Уч йилдирки, нафақа пули олмайман. Сунгги умидим сизлардан.

Инобат ЭРГАШЕВА,
Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги «Дружба» давлат хўжалиги «Советобод» бўлими

Таҳририятдан: Ушбу мададталаб мактуб Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги мутасадди раҳбарларга инсон манфаатлари йулидаги барча савб-ҳаракатлар қишлоқнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини эслатувчи бир қамчи бўлса ажаб эмас.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР


қилиш котибиятлари мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда етарлича иш олиб бораётими?

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг навбатдаги йиғилишида фаоллар шу ҳақда атрофлича фикрлашиб олдилар. Жойлардаги «Хуқуқшунос аёл» уюшмалари уз фаолиятларини янада жонлантиришлари кераклиги, БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциялари, амалдаги қонунларимиздан келиб чиқиб, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ҳуқуқларининг ҳар қандай қуринишга бузилишига йул қўймаслик лозимлиги таъкилланди.

Мажлиса муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишни Бош вазир уринбосари, республика хотин-қизлар кумитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Ўз мухбиримиз



А.Тўраев олган сурат

ГЎЗАЛЛИҚНИ ЯРАТИШ КЕРАК

«Экология» термини тилимизга кириб келганига куп вақт булгани йўқ. Лекин бу сўз дарров ҳаётимизнинг муҳим бир бугинига айланганлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Экологиянинг соф бўлиши, ифлосланмаслиги ҳар бир инсон учун, келажак авлод учун ҳам жуда муҳимдир. Ер, tupрок, ҳаво, усимлик ва ҳайвонот олами бир-бирига чамбарчас боғлиқ бир ҳалқани ташкил этади. Бу ҳалқани муътадил сақлаш йулида куп ишлар қилиниши ва бунинг учун маблағ ҳам, куч ҳам аямаслиги керак. Чунки, гап инсон ҳаёти, унинг давомийлиги ҳақида бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, узбек миллатига мансуб болаларнинг буйи узга миялат болалариникига қараганда 3-4 сантиметр паст бўлиб, нимжон ҳам эканлар. Турли касалликлар ҳам дарларнинг қуриши, ерларнинг шурланиши, сувда оқсилларнинг камайиши натижасида келиб чиқали. Ва оғир салбий оқибатларга олиб келади. Агар биз ҳозир уз атрофимизга яхшилаб нигоҳ солиб, экологик муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмас эканмиз, эртага туғилмак авлодларимиз генида кунгилсиз воқеалар юз бериши аниқ. Чиқиндиларни махус жойга таплаш, уларнинг уз вақтида олиб кетилишини таъминлаш шу каби ҳолатларнинг олдини олади. Тоза ҳаводан нафас олган организм соғлом ва бақувват булади. Касалликларга қарши кураша олиш доиралари кенгайди.

Инсон табиати қизик. Гузаллиқни яхши кўради. Кенгликлар, майсазорларни хуш кўради, интиламиз. Атрофимизда усиб етган даракларнинг эса қадрига етмаймиз. Енимиздаги одам табиатга тажовуз қилса, куз юмиб кетаверамиз. Бирор бир гузал манзарали суратларни кўрсак, пул аямай сотиб оламиз. Деворга осиб қўйиб завқланамиз. Узимиз-чи, узимиз теварак-атрофимизни шундай қилсак бўлмайми? Швейцария, Германия шаҳарларининг саранжом-сарипшталлиги ҳақида тулқинланиб гапирамиз. Узимиз негадир табиатга кўпол муомала қиламиз. Жарима ундирилмагани учунми? Е Германиядаги шаҳарда туғилмаганимизданми? Билмадим.

Хуллас, демокриманки, гузаллиқни яратиш керак. Бунинг учун бизда фақат экологик дид, маданият етишмаётгандек, назаримда. Бирор бир ишни ургатишдан аввал уни яхши билишинг лозим. Шунинг учун ҳам, биз катталар атроф-муҳитга муомаламиз билан ёшларга намуна бўлмоғимиз керак. Шундагина осмонимиз мусаффо, сувларимиз соф, заминимиз покиза булади. Бир сўз билан айтганда: «Йулимиз пок, дилимиз пок, йуллар ойдин, уйлар ошпоқ» бўлишига эришамиз.

Мулоҳаза

Ахборот

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ва Узбекистон Республикаси Олий ва урта махус таълим вазирлиги ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Шуллардан бири укув-тарбия ишларида намунали фаолият кўрсатаётган, «Соғлом авлод учун» дастури доирасида фаол иш олиб бораётган профессор-уқитувчиларни, жамғарма дастурини талабалар уртасида намунали тарғиб этаётган фаол талабаларни аниқлаб тақдирлаш, «Энг шинам, ораста талабалар уйи» танловидир. Кунни кеча ана шу голиблар аниқланди. 1997-1998 укув йилда унда голиб чиққан профессор-уқитувчиларнинг маошига 50 фоиз, талабаларнинг стипендиясига 50 фоиз миқдорда қўшимча тулаб борилади. ТДТУнинг 71-талабалар уйи, ТошДУнинг 4-талабалар уйи ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 2-талабалар уйи телевизорлар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Муқаддас ЮСУПОВА



фақир гадо қиёфасига кириб, тиланчилик қилади. «Ишдан» кейин яна уз аслига келиб, университетга қатнайди. Талаба университетнинг юридик факултетига ўқиши жараёнида шу тариқа яхшигина пул ишлаб келган. Узининг иқдор бўлиб айтишича, «бир оёқсиз», гариб тиланчи қиёфасида соатига эллик минг рублгача «туширар» экан.

Яқинда Озарбойжонда қалдобили билан донг таратган москвалик Мавроддиннинг «қариндоши»ни ушлаб қамашди. Озарбойжонда «МММ»га ўхшаш «Воҳид» номи хайрия жамғармасини тузган Гусейнога Қосумовнинг «Воҳид-банк»и минглаб боқуликларни догда қолдирди. Гайриқо-

нуний банк операциялари утказгани учун Г. Қосумов суд олдида жавоб беришга чоғланаётгир. Озарбойжонлик 200 минг фуқаро эса нақд пуллари «Воҳид-банк»ка топшириб, ваъда буйича мумай даромад олишни умид қилишган эди. Энди улар тушларини сувга айтиб қолаверишадиган қуринади. Қосумовнинг гарданида эса бу фуқароларни алдаб умарган 65 миллиард манат (рус рублида 100 миллиард) қарз осилиб турибди.

Машҳур кишиларнинг шон-шухрати бир пайтлар улар кийиб юрган кийим-кечакка ҳам юқиб қолади, чамаси. Яқинда дунёга донг таратган боксчи Муҳаммад Алининг муштлашган чоғларида кийган кийим боши кимошди савдосига қўйилди.

Машҳур боксчининг фақат рингда кийган бир жуфт оёқ кийими 20 минг долларга пулланган.

Суд залидан

ФАРЗАНДИНИ УНУТДИ

Ҳаётда турмуш уртоғи билан ажрашгандан сунг фарзандининг моддий таъминоти учун нафақа тулашдан бош тортадиган оталар ҳам учраб туради.

Улардан бири Чулигистон қишлоғилик Усмон Жалиловдир. У бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун тулаши шарт булган нафақани қасдан 1994 йил октябр ойидан буен туламай, яшап ва иш жойларини суддан япириб келган. Судга келиндан буин товлаб юрганлиги учун туман судининг 1997 йил 17 июн кунги ҳукми билан 6 ой муддатга қамоқ жазосига тортиди. Уз қилмиши тўғрисида уйлаб қуриш учун Усмонга 6 ой қамоқ муллати етарли бўлса керак.

Раҳматжон АРАПОВ,
Ёзёвон туман судининг суд ижросчиси

Топган тополоқники, деб бежизга айтилмаган, шеккилли. Бу гапнинг исботига Киев шаҳрининг Шевченко туманидаги куп қаватли уйлардан бирида яшовчи фуқаролар гувоҳ бўлишди. Юқори қаватлардан бирининг балконида турган фуқаро қулидаги 150 минг гривенни (76 минг долларга яқин) беҳосдан тушириб юборди. Ҳар бири 100 гривенлик қоғоз пуллар бир зумда ҳар ёққа сочилиб кетди. Балконда туриб ёлворган пул эгасининг ўтишиларига қарамай, пастда турганлар гривенларни ҳашпаш легойча териб олиб, қуздан гойиб бўлишди. Шунча пулдан атиги 11 донга 100 гривенликни қайтариб олган пул эгаси қақшаганча қолаверган. Қариндошлари АҚШдан жунатишган бу пулларга у Украина пойтахтининг энг яхши жойидан уй, автома-

шина сотиб олишни ниёт қилган экан, деб ёзади «Всеукраинская ведомства» газетаси.

Яқинда АҚШ ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фондида 5 миллион доллар утказишга қарор қилди. Бу маблағ Корея Халқ Демократик Республикасининг касалхоналарига дори-дармонлар, болалар ва кекса ёшдаги фуқаролар учун озиқ-овқат сотиб олишга мулжалланган.

Россияда талабаларнинг ижтимоий аҳволи ҳавас қиладиган даражадан анча йироқда. Талабалар тирикчилик учун пул топишнинг хаёлга келмайдиган йулларини излаб топишга мажбур бўлаётгир. «Труд» газетасининг ёзишича, екатеринбурглик талаба О. дарсдан бунш вақтларда афгангорини, уст-бошини тамоман узгартириб, чулоқ ва

Юрий Гагариннинг парвози туфайли собиқ Иттифоқ АҚШни икки тузумнинг ижодий ва илмий мусобақасида ортда қолдирди. Аммо бир неча йил ўтгач собиқ Иттифоқнинг коинотдаги муваффақияти америкалик астронавтларнинг Ойга қўниши натижасида йўққа чиқди. Америкаликларнинг Ойни забт этганига юз фоиз ишонувчилар ҳам, шубҳа билан қаровчилар ҳам бор. Ҳатто АҚШнинг ўзида ҳам. Олим ва ихтирочи Ралф Ренэнинг «НАСА Американи алдади» китобини ўқигач, бунга амин бўлишингиз мумкин (НАСА — АҚШ фазога парвозлар марказининг қисқартирилган номи).



Америкалик фазогирлар ҳеч қачон Ойда бўлишмаган, уларнинг парвози ҳақидаги маълумотлар устамонлик билан уюштирилган ва анчагина қиммат турувчи фирибгарликдир

«Ой»да олинган суратларни ургана бошлади ва ҳангу манг бўлиб қолди. У Ойга қўниш улкан, ниҳоятда қиммат турувчи фирибгарлик эканини англаб етди. Бундай йул билан НАСА «атиғи» триллион доллар сарфлаб, Марсга ҳам одам «олиб чиқиши» мумкин.

Гапимиз қуруқ булмаслиги учун ушбу китобдаги 1972 йил 21 апрелда олинган бир суратни таҳлил этайлик. Унда астронавт узининг соясида сақраб ўтаётганлиги тасвирланган. Байроқ соясидаги кўш нурларнинг тушиш бурчагини аниқлаш мумкин. Байроқ ва астронавтларнинг соялари бир-бирига тўғри келмайди! Ана шунинг учун кейинроқ чоп этилган «Америка коинотда» китобида бу сурат унғ томондан қирқилган ва шубҳали соялар йўқотилган.

НУРЛАНИШ БАЛОСИ

Астронавтаргача коинотга маймунлар учурилган ва улардан бирортаси парвоздан сунг 8 кундан ортиқ яшамди. Нимага? Нурланиш! Коинотда улдан ҳеч нарса ҳимоя қилолмайди. Инсонларни Ерда фақат сайёрамизнинг ҳимоя қобилигига асрайди. Астронавтарни коинотга нурланишдан асраш учун ҳаво кемасининг девори камда 80 сантиметрдан кам бўлмаган тоза қўроғошидан тайёрланиши керак.

Аммо 70-йилларда Америка ракета элтувчилари орбитага 1-2 мм қалинликдаги алюминий қоғоздан ишланган жиҳзини ҳам чиқаролмас эди. Нурланиш муаммоси устида руслар ҳам бош қотиришган. Бироқ унинг коинотдаги ҳалокати таъсирини биланлари учун инсонни Ойга учуришни режалаштиришмаган. Фақат ашаратлар! НАСА эса худди нурланишдан ҳимоя йўқлигини билмагандай Ойни забт этишга ҳозирлик қурадди. НАСА орқага чекинолмасди.

АСТРОНАВТЛАР... ЁҚИБ ЮБОРИЛГАН

Мусобақа давом этарди. А. Леоновнинг очик коинотга чиқиши ва у Ерда скафандро нафас олиши америкаликлар учун навбатдаги зарба бўлди. Бунинг қандай ажабланишли жойи бўлиши мумкин? Гап шундаки, америкалик астронавтар атмосфера босимининг улдан бирида тоза кислород билан «нафас олишган». Америкаликларнинг коинот жиҳозлари бундан ортиқ босимни кутара олмас эди.

1967 йили АҚШ 11 астронавтардан жудо бўлди. Галати ҳолат: улардан еттита авиаҳалокатда нобуд бўлди. Учтаси синов кабинасида ёқиб юборилган. «Йук, айнан ёқиб юборилган, — деб ҳисоблайди Ренэ. — Чунки НАСА ҳодимларини бир атмосферадан юқори босимда кабина ичида озгина учқундан ҳам портлаб кетадиган кислород бомбаси ҳосил қилинишини билмасликларига ишонмайман».

ЧАНГДА ОЁҚ ИЗЛАРИ

Жиҳознинг Ойга қўнишида ҳо-

сил булувчи кучли ҳаво тулқини атрофдаги чанг-тузонни шиддат билан сидириб ташлаши керак. Бу Ерда миллион йиллаб ётган чангларнинг уюрмаси пайдо бўлиши, тушувчан жиҳоздан йироқ-йироқларга учиб кетиши лозим.

НАСА суратларини томоша қиламиз: жиҳознинг нақ остида, чангда, астронавтарнинг оёқ излари билиниб турибди. Чанг қандай қилиб у Ерда қолиши мумкин?

ЮК ХАЛТАДА НИМА БОР?

Ой сатҳи Қуёш нурларида 120 даражага қизийди. Скафандрларни совутиш керак... Совутиш учун 4,5 литрга яқин сув талаб этилади, скафандрнинг ҳажми эса атиғи бир литрга мулжалланган. Бу бир литр сув маромида ишлаганда аранг бир соатга етади.

Совутиш тизими ишлаши учун сув ташқарига чиқариб турилиши керак. Коинотда сув кристаллашади. Бу кристаллар Қуёш нурида камалаксимон жилдоланиши керак. Аммо «Ойни забт этиш»га оид бирор тасвирда шундай манзарани кузатганмисиз?

АҚШ астронавтарининг кийимлари резина аралаш матодан тикилган (аслида қалинлиги 80 см. қўроғош талаб этилади!) Уларнинг юк халталарида 4 соатга етгулик кислород, радио, ҳаётни таъминлаш тизими, совутиш насоси ва бошқа кўнгина нарсалар олиб юрилиши керак. Бироқ, ишонинг, биз суратларда курган астронавтарнинг кичкинагина юк халтачаларига буларнинг барчасини сигдириш амри маҳол.

«ЮЛДУЗЛАР ҚҮРИНМАЙДИ»


«Эл очик коинотга йул олди, мен эса томоша қилиш учун қопқоқли туйнукдан бошимни чиқардим. Қандай манзара! Атроф қоп-қоронғу, юлдузлар қуёшнинг уткир нурларида қуринмайди. Мен бу нотаниш дунёда узимни бегонадек ҳис этдим», — америкалик астронавт Жим Элвин Ойдан қайтгач шундай деганди.

НАСАнинг барча суратларда коинотда юлдузлар қуринмайди. Осмон эса умуман қоронғуликда. Юрий Гагарин узининг парвози чоғида юлдузларни улкан ва жимирламайдиган, деб таърифланган.

Демак, бошқа фазогирлар коинотда юлдузларни қуришган, америкаликлар эса — йук. Тавба, наҳот улар бир-бирдан фарқ қилувчи «коинотлар»да учиган булса?!

САКРАШ БАЛАНДЛИГИ

Россиялик журналист А. Гордон Ренэнинг далилларини шахсан текшириб қурмоқчи бўлди. У астронавтардан бири уйинқароқлик билан Ойда сакраётгани (у Ерда тортишиш кучи Ердагидан олти баробар кам) акс этган тасвирларни урганиб чиқди. «Ойдаги тасвир-



Фикр

ПУЛ ТЕРАР ҲҲЙИНЧИЛАР

Мен бир нарсага тушунмайман: уйинчилар (уларни раққоса дейишга тилим бормаиди) туй-ҳашамга пул териш учун борадим ёки санъатини намойиш қилишга? Кейинги пайтда улар давра ора-лаб, утирган ҳар бир меҳмонни пул узатишга мажбур қиладиган бўлишган.

Уларда-ку ҳаё йуқ экан, туй қатнашчилари, маҳалла оққосқоллари нега жим туришадилар?

Салима ҚОРАЕВА,
Пахтачи тумани

лар»ни секинлаштириб олинган деб ҳисобламасак, сакраш баландлиги... Ердаги билан теппа-тепп.

ЧУВ ТУШИРИШ

Бутунги замонавий компьютер графикаси Ердамида Марсга парвозни шундай олса буладики, аслидан умуман фарқлай олмайсиз. «Атиғи» триллион (!) долларга.

«Ойга парвоз» расман 200 миллион долларга тушган. Бундай фирибгарликларнинг махфий томонларини яқши билган АҚШ конгресси 1995 йили НАСАга ажратиладиган маблағни 1961 йил даражасига тушириб қўйди. Аммо бирорта «Шатл»нинг парвози бекор қилинган йуқ. Қушимча маблағлар қандан қанди? «Нью-Йорк, Нью-Йорк» курсатуви муаллифларининг фикрича, пуллари Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) беради. Русларни чув тушириш бунга арзийди.

МАРСГА... ГОЛЛИВУДДАН УЧИЛАДИ

Астронавтар албатта бу фирибгарликлардан хабардор бўлишган. Айнан шу сабаб туфайли 1967 йилнинг узидак улардан 11 нафари ҳалок бўлди. «Ойга парвоз» билан боғлиқ катта уйинга юзлаб одамлар алоқадор бўлган. Хуш, нима бутпти? МРБ Камбоджа ва Лаосдаги эълон қилинган урушларга ўн минглаб америкаликларни сафарбар этган. Бироқ АҚШ аҳолиси яқингача бу ҳақда ҳеч вақо билмаган...

АҚШда Марсга парвоз ҳақида гапиришяпти. Балки Голливуднинг бирон-бир сахнасида уни суратта олишяётгандир?

Николай КУБИЧ,
(«Секрет»)

Таржимон Азизбек АБДУВАЛИЕВ

Қойил!

ЭРКАК КҮРМАСА ҲАМ ТУФАВЕРАДИ

Ишонмайсизми? Е тиббий йул билан тугдирилса керак-да, демоқчимисиз? Янглишдингиз, тополмадингизми? Унда эшитинг.

Африка қитъаси ер юзида энг иссиқ жой ҳисобланади. Тану исмли аёл шу қитъанин қора танли фуқаросидир. Аммо у узининг қора танлилиги билан эмас, бошқа бир «хислати» билан одамлардан ажралиб туради. Агарда сиз Танунинг енгинасидадн ўтсангиз, оралиқ масофа 30 сантиметр бўлса, узингизни ота бўлдим, деб ҳисоблайверинг. Чунки Тану шунчалик эхтиросли аёлки, баъзи келишган эркаклар ёнидан утиб кетса ҳам ҳомилалар бўлиб қолаверади. Шу боисдан ҳам у узининг 24 ешида 25 марта аборт қилдирган ва 5 нафар оқ ва қора танли болалари бор. Лекин Тану олимларнинг узи билан қизиқлишларига йул бермаяпти. Яна бир қизиқ томони, бу қора танли келишган нозанин эрга тегмоқчи эмас. Эркаксиз ҳам аёло яшаётган эмиш.

